

Тадкикотчиларнинг фикрларига караганда, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатчилик шаклланишида энг муҳим ва асосий омил бўлиб, бу иккала жараён узвий боғлиқ ҳолда кечган.

Маълумки, мил. авв. II минг йилликка келиб қадимги Ўзбекистоннинг дехкончилик воҳаларида ўтроқ қабилалар ривожланиб, аҳолининг алоҳида жойлашув тизими шаклланади. Аҳолининг алоҳида жойлашув манзилгоҳларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар-ўтроқ дехкончиликнинг ривожланиши, аҳоли зичлигининг юқори даражаси, ҳунармандчиликнинг тараккий этиши, ижтимоий табақаланиш ва бошқарув тизимининг мураккаблашиб бориши, ўзаро алмашинув, савдо-сотик ва маданий алоқаларининг кучайиши ҳамда ҳарбий-сиёсий вазият Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Жамият ҳаётида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мил. авв. III минг йилликнинг охири-II минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шаҳар маданиятининг шаклланиши ҳам худди жамият таракқиётида бўлгани қаби узлуксиз таракқиёт йўли билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, узок, босқичма-босқич даврларни босиб ўтган. Мил. авв. II минг йилликка оид Ўрта Осиё-даги Жаркўтон, Сополли, Дашли, Гонур, Намозгоҳ, Олтинтепа, Улуттепа қабиларда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлди:

- аҳолининг ўтроқ дехкончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши;
- ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва айрим соҳаларга ихтисослашиши;
- қадимги савдо йўлларининг ривожланиши натижасида иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда савдо-сотикнинг тараккий этиши;
- табиий-географик ҳамда ҳарбий-стратегик шарт-шароитлар.

Шаҳар маданияти даставвал Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарё ҳудудида шаклланди, сўнгра эса шимолга Сўғд (Кашкадарё, Самарканд, Бухоро), Хоразм, Шош ва Фарғона ҳудудларига тарқалди. Бу — айнан юртлар ва халқлар таракқиётидаги нотекислик қаби тарихий қонуниятга зид эмас.

Кўп сонли археологик топилмаларнинг далолат беришича, Ўзбекистондаги айрим кўҳна шаҳарларнинг ёши 2700-3000 йилдан кам эмас. Уларга Афросиёб (Самарканд), Кизилтепа (Сурхондарё), Узункир, Еркўргон (Кашкадарё) қабилар қиради. Қадимги шаҳарлар — тарихий ривожланишдаги урбанистик жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлган жамият таракқиётининг ижтимоий асоси ҳисобланади. Фикримизча, шаҳарлар тарихини ўрганиш жараёнида даставвал, энг қадимги шаҳарлар шаклланиши ва ривожланиши; аниқ ҳудудлар ва вилоятлардаги тарихий-маданий шарт-шароитнинг таъсири; экологик-географик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик муҳитларнинг даражаси ва таъсир доираси; шаҳарларнинг вазифаси; қадимги шаҳар марказларининг

тарихий-маданий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти масалаларига кенг эътибор қаратиш лозим.